Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

www.ishonch-doverie.uz

2011-yil 19-iyul № 87 (2968) seshanba

# Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

**Моҳият**

*Юксак маънавият ва адолат — инсоният ҳаёти ва тараққиёти учун ҳамиша таянч ва суянч бўлган икки буюк тамойил.*

Ислом КАРИМОВ

# Ўзбекистон мени ҳамиша мафтун этади

*16 июл куни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашида Федерация кенгаши раиси ва АҚШ хотин-қизлар масалалари бўйича Давлат департаментининг махсус топшириқлар бўйича элчиси М.Вервир ўртасида учрашув бўлиб ўтди.*

*Учрашувда Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги элчиси Ж.Крол, АҚШ хотин-қизлар масалалари бўйича Давлат департаментининг махсус топшириқлар бўйича элчисининг махсус ёрдамчиси Ж.Сосна, АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари Г.Громович, К.Запфел ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг масъул ходимлари иштирок этдилар.*

Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Т.Нарбаева меҳмонларни Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва ўзгаришлар билан яқиндан таништирди. Хусусан, Республика Президенти Ислом Каримов бошчилигида Мустақилликнинг илк кунлариданоқ бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлида мисли кўрилмаган ютуқларга эришилганлиги, мамлакатда фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида кўрсатилаётган саъй-ҳаракатлар, давлат ва жамият қурилишида хотин-қизлар мавқеини ошириш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қаторидан ўрин олганлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, меҳмонлар мамлакатимизда ижтимоий йўналишларни ўзида мужассам этган Давлат дастурлари, «Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги халқаро конвенцияни амалга ошириш доирасидаги тадбирлар билан таништирилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси томонидан миллий даражадан то қуйи бўғингача тузилмага эга бўлган Республика касаба уюшмалари фаолияти, хусусан, меҳнаткашлар, айниқса, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларнинг ҳимояланишига оид кенг кўламли ишлар тўғрисида маълумот берилди.

Шундан сўнг АҚШ хотин-қизлар масалалари бўйича Давлат департаментининг махсус топшириқлар бўйича элчиси М.Вервир Ўзбекистонга ташрифи давомида олган таассуротларига алоҳида урғу бериб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтди:

— Биз Хиллари хоним билан ҳалигача Ўзбекистонда хизмат сафарида бўлган кунларимизни жуда чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан эслаймиз. Айниқса, ижтимоий-сиёсий йўналишда узоқни кўзлаган кенг қамровли ишларни амалга ошираётган, бу йўналишда аёллар ва болалар манфаатларини ҳимоялаш масаласига алоҳида эътибор қаратаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти билан ўтказилган учрашувлар бизда унутилмас таассуротлар қолдирган.

Бугунги учрашувда яна бир карра шунга амин бўлдикки, Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш учун мустаҳкам ҳуқуқий негиз яратилган. Аёлларга меҳнат фаолиятини оилавий мажбуриятлар билан уйғунликда олиб бориш учун барча зарур шарт-шароитлар мавжуд. Мамлакатингизда оналик ва болаликни муҳофазалаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Республика Ҳукумати томонидан одам савдосига қарши олиб борилаётган ҳаракатлар алоҳида эътиборга лойиқ. Ҳатто АҚШда хотин-қизлар билан ишлаш йўналишларида институционал негизга эга бўлган база мавжуд эмас. Шу боис мен эгаллаб турган лавозим яқиндагина жорий этилди ва мен бу борада Ўзбекистон тажрибасидан ўрганишимиз лозим бўлган йўналишлар талайгина деб ҳисоблайман.

Учрашув давомида элчи М.Вервир ва меҳмонлар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг Халқаро Меҳнат Ташкилоти билан ҳамкорлиги, бу борадаги ўзаро алоқаларни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар билан таништирилди. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган 13 та конвенциясига амал қилиниши бўйича касаба уюшмалари томонидан жамоатчилик назорати олиб борилаётгани таъкидланди.

Шунингдек, жорий йилнинг июн ойида Женева шаҳрида бўлиб ўтган ХМТнинг олий органи — Халқаро меҳнат конференциясининг 100-сессияси ишида иштирок этган Ўзбекистон делегацияси таркибида касаба уюшмалари вакили ҳам борлиги, бугунги кунда Ўзбекистонга билдирилган тавсияларни амалга ошириш бўйича Ҳаракат дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш устида изчил иш олиб борилаётганлигига алоҳида тўхталинди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси республикада таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, 12 йиллик бепул мажбурий таълим тизими тўғрисида, шунингдек, уларнинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб вояга етишлари учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида батафсил маълумот берди.

Учрашув сўнгида М.Вервир ўз таассуротлари билан ўртоқлашиб:

— Мени мамлакатингиз доимо мафтун этиб келган, — дея эътироф этди. — Аммо, бугунги суҳбатдан сўнг хабардор бўлганимиз — юқорида таъкидланган йўналишларда амалга оширилаётган ишлар бизни янада қойил қолдирди. Фурсатдан фойдаланиб, Америка Қўшма Штатлари тажриба алмашиш мақсадида бизда мавжуд бўлган касаба уюшмалари билан алоқаларни ўрнатишда ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигини билдираман. Алоҳида таъкидлайманки, Ўзбекистондаги бу галги учрашув ҳаётим ва фаолиятим давомидаги тадбирларнинг энг самимий ва қадрлиларидан бири бўлди.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши матбуот хизмати раҳбари**

## Янги кун янгиликлари

**Навоий вилояти**

***Навоий вилояти педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида Республикамиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган «Узлуксиз таълимда малака ошириш ва унда «Устоз-шогирд» анъаналарининг ўрни» мавзусида минтақавий илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.***

***Тадбирда Самарқанд вилоят педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти катта ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди А.Тошев «Экологик муаммоларнинг глобаллашуви», шу институт ўқитувчиси Ж.Бўстонқулова «Устоз-шогирд» мактабининг дастлабки натижалари, вилоят халқ таълими бошқармаси ҳузуридаги Методика маркази бошлиғи Б.Нортожиев «Устоз-шогирд» усули асосида ташкил этилган ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибасини оммалаштириш», Навоий ПДИ доценти, педагогика фанлари номзоди Д. Аҳадова «Мутафаккирлар устоз-шогирд муносабатлари ҳақида» мавзусида маъруза қилишди.***

***Куннинг иккинчи ярмида конференциянинг шўъба йиғилишлари бўлиб ўтди.***

**Сирдарё вилояти**

***Гулистон шаҳридаги «Нафис-Либос» масъулияти чекланган жамиятига дастлаб 100 нафар тикувчи ишга қабул қилинган бўлса, бугунги кунда 1000 нафар ишчи-ходим фаолият юритмоқда.***

***Ишчиларнинг келиб-кетиши учун махсус автобуслар ажратилган. Бепул тушлик ташкил этилган. Уларнинг саломатлиги корхона ҳудудида тиббиёт пунктида доимий назорат қилинади. Янги ишга қабул қилинганлар цехда бир ой ўқиб, иш ўрганади.***

***Корхонада айни кунларда 10 турдаги болалар кийимлари ишлаб чиқарилмоқда.***

**Андижон вилояти**

***Хўжаобод туманидаги «Сарбон ҳамкор текстил» хусусий корхонаси мавсумий кийим-бошлар тикишни йўлга қўйди. Жорий йилнинг беш ойи давомида корхонада 36 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.***

***Фирма чеварлари томонидан тикилган баҳор ва ёз ойларида кийиладиган футболка, майкалар харидорларга манзур бўлмоқда. Болалар оромгоҳларида дам олувчилар учун махсус олд қисмига гул ва турли шиорлар битилган футболкаларга талаб катта бўлмоқда.***

***Тадбиркорлар хориждан замонавий 7 та тикув машинаси сотиб олиб, ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ниятида. «Халқ банки»нинг Хўжаобод филиали томонидан ажратилган кредит ишбилармонларга мадад бўлди.***

## Хуштаъм ва сифатли маҳсулотлар



**Юртимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш борасидаги кенг кўламли ишлар Фарғона вилоятида ҳам ўзининг юксак самараларини бераётир.**

«Союз снаб Ташкент» хорижий шўъба корхонасининг Фарғона ишлаб чиқариш филиалида озиқ-овқат саноати учун табиий экстрактлар ва зираворлар асосидаги мажмуавий озуқа қўшимчаси тайёрланади. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган, элликдан зиёд киши меҳнат қилаётган корхона маҳсулотларига гўшт ва сутни қайта ишлаш, қандолатчилик, чанқовбосди ичимликлар ишлаб чиқарувчи тармоқларда талаб катта.




**Суратларда: корхона ишчиси Мариана Акаева; корхона маҳсулотлари.**

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар**

**Мустақилликнинг 20 йиллиги олдидан**

# Ишонч пойдевор бўлган жойда

## тикланажак бино ҳам сарбаланддир

*Вақт — елдирим. На қадоқлаб ва на сандиққа жойлаб бўлади. Унинг салмоғини шу вақт оралиғида амалга оширилган ишлар кўламига қараб, агар таъбир жоиз бўлса, тортиш, ўлчаш ва баҳолаш мумкин.*

*Баъзан бир лаҳзага тўхтаб, босиб ўтилган йўлни фикр-мушоҳада тегирмонидан ўтказиб олишимиз ҳам аслида шундан. Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Омонуллахон ИНОҒОМОВ шундай дейди:*

— Кейинги пайтда касаба уюшма ходимлари ўртасида «фаолиятга янгича ёндашув» деган ибора кўп қўлланмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Гарчанд ҳамон энг оммавий ташкилотнинг мақсад ва вазифалари ўша-ўшалигича қолган, яъни ишловчиларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан ҳимоялашга аввалгича катта аҳамият берилаётган бўлса-да, назаримда, ҳаётимизга илгари кузатилмаган ўзгача руҳ кириб келгандек.

Тасаввур қилинг-а, бундан йигирма йил муқаддам қандай эдиг-у, ҳозир қандаймиз? Билишимча, анча вазмин, оғир-босиқ бўлиб қолганмиз. Энг муҳими, ишонч кучли. Ким билсин, бу бугун амалга ошираётган ишларимиз эртанги кунда ҳам ўзимизга, фарзандларимизга, жонажон юртимизга хизмат қилишини билганимиз учундир. Бундан фақат қувониш керак.

*— Қарангки, давлат мустақиллиги эълон қилинган йилда туғилган болалар ўзларининг йигирманчи баҳорини кўриб, аллақачон ёнимизга киришга, юмушларимизнинг бир қисмини қўлларига олишга улгуришди.*

— Бу сифат ўзгариши деб аталмиш янги босқичга ўтганлигимизнинг ўзига хос ифодасидир. Ана шундай шароитда кишилар онгида юз бераётган ижобий жараён, жумладан, боқимандалик кайфияти ўрнини тадбиркорлик, ишбилармонлик, ишга ижодий ёндашиш, ҳуқуқий маданиятнинг юксалиб бораётганлиги каби хислатлар тўлдираётгани биз учун энг муҳим натижа, десак асло муболаға бўлмайди.

Бу, шунинг учунки, қаерда шахсий манфаат билан умумхалқ манфаати ўртасида ўзаро мутаносиблик юзага келса, ўша ерда ташаббускорлик кенг қулоч ёзиб, янги-янги довонларни забт этишга рағбатлантирувчи омиллар бирин-сирин юзага қалқиб чиқаверади. Бу эса, ўсиш-ўзгариш, сифат ва самарадорлик, пировард оқибатда фаровон турмуш деганидир. Мустақилликни мустаҳкамлашнинг асл ўзаги ҳам шунда.

(Давоми 2-бетда)

**«Биз — бунёдкор халқмиз» танловига**






**Қаҳрамонимиз ўзгалар ташвиши билан банд инсонлар тоифасидан. «Ishonch» кредит уюшмаси жойлашган бинонинг кириш жойида кўргазма тахтасига осилган фахрий ёрликдаги қуйидаги сўзларни ўқиб дилимиз яйради:**

***«Ҳамдамова Сайёра Убайдуллаевна!***

***Мамлакат иқтисодиётининг равнақи йўлида аниқ мақсад билан меҳнат қилаётганлиги, давлат олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажариб келаётганлиги учун «Ishonch» кредит уюшмаси вилоятимизда «Энг яхши солиқ тўловчи» Фахрий ёрлиғи билан тақдирланади.***

**Жиззах вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Ш.Қўзиев».**

# Яхши ният билан яшаш бахти

**«ИШОНЧ ҲУДУДИ» ҚАЕРДАН БОШЛАНАДИ?**

— Болалигимда журналист бўлишни орзу қилардим, — дейди Сайёра опа. — Аммо уйдагилар узоқда ўқишимга рухсат беришмади. 2002 йили иш бошладик. «Ishonch» кредит марказини очгач, эски орзулар яна бош кўтарди. Газета чиқариш нияти пайдо бўлди. Унинг номини «Ишонч ҳудуди» деб номладик.

Кўпчилик кредит олиб оила қураяпти, уй-жой қилаяпти. Ҳисоб-китобни билмаганлар эса бор маблағни ҳам беҳуда совуриб, сўнг «аттанг» деб қолаяпти.

«Ишонч ҳудуди»нинг асосий вазифаси эса одамларни аввалambor ўз ҳаётини таҳлил қилишга ўргатиш. Газетамиз ҳозирча минг нусхада чоп этилмоқда. Кейинчалик 2-3 бараварга ошириш ниятимиз бор. Республика кредит уюшмалари ҳам нашримизга аъзо.

Фаолиятимиз давомида «яхшиликни билганга қилиш керак»лигини ҳам ўргандик. Баъзилар олган кредитини қайтармасдан бизни азобга қўйганда, газетада «Лафз» ҳақида мақола эълон қилинди. Шундан сўнг кўпчилик инсофга келди. Дарҳақиқат, сўзнинг таъсирчан кучи мижозларни масъулиятли бўлишга ўргатади. Ўзим ҳам вилоят ва туманларга чиққанимда, биздан олган кредити эвазига бизнесини яхши йўлга қўйиб олган юртдошларимиз ҳаётидан мақолалар ёзиб келаман.

***Раҳима АХБЎТАЕВА, Ғаллаорол туманидаги 47-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси:***

— Икки йилдан бери «Ishonch» кредитга аъзоман. Чорвачилик билан шуғулланиш учун шу йилнинг 13 майида 2 млн. сўм кредит олиб, 1 та сигир-бузоқ ва 6 та қўй сотиб олдим. Шундан бери уйимиздан сут-қатиқ аримайди. Ҳар ой 80 минг сўмдан тўлаб, қарзларимни узаяпман. Биринчи марта 2010 йилнинг 23 июнида 1,5 млн. сўм кредит олгандим. Шуни бу йил май ойида муддатидан олдин ёпдим.

(Давоми 4-бетда)

Ishonch
2011-yil 19-iyul № 87 (2968)

# Ишонч пойдевор бўлган жойда

## тикланажак бино ҳам сарбаланддир

*(Боши 1-бетда)*

***— Бунда, шак-шубҳасиз, иш берувчи билан муносабатларни мувофиқлаштирувчи асосий восита — жамоа шартномасининг ўрни ва роли беқиёсдир.***

— Дарҳақиқат, касаба уюшмаларининг иш берувчига нисбатан эътирофи ҳам, эътирози ҳам айнан шу ҳужжат бандларининг бажарилиши билан бевосита боғлиқ. Маълумки, амалдаги қонунлар фақат энг кам миқдордаги ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий зарурият даражасини белгилайди. Шунинг учун ҳам жамоа шартномалари корхона, ташкилот, муассасаларда қонун даражасида тўлиқ бажарилиши талаб этиладиган меъёрий ҳужжат ҳисобланади.

Тошкент шаҳар кенгашининг амалий ёрдами асосида унинг тизимига кирувчи касаба уюшма ташкилотлари, мулкчилик шакли, қайси вазирлик ёки идорага бўйсуниши ва ходимлар сонидан қатъи назар, юридик шахс мақомига эга бўлган корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари тузилиб, уларга давр талаби юзасидан муайян қўшимчалар киритиб келинмоқда. 1 январ ҳолатига жамоа шартномаларини қабул қилган юридик шахслар сони 221 тани, ишловчилар сони салкам 50 минг нафарни ташкил этганлигининг ўзиёқ бу муҳим ҳужжатнинг нақадар зарур эканлигини тасдиқлаб турибди.

***— Сиз юқорида «давр талаби юзасидан» деган иборани қўлладингиз. Бу жамоа шартномаларининг аллақандай қотиб қолган, ҳар йили, ҳар қандай шароитда қўллайверса бўладиган бир хил тушунчалар мажмуи эмаслигини кўрсатади, албатта. У бугунги кунда, айниқса, қайси жиҳатларига кўра аъзоларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилмоқда?***

— Аввалambор, жамоа шартномалари ижросини таъминлаш жиддий назоратга олинган бўлиб, бунда барча корхона ва ташкилотларда тузилган ишчи гуруҳлар касаба уюшма қўмиталарига амалий ёрдам ҳамда тегишли тавсиялар бериб келаётганлигини таъкидлашни истардим.

Бу муҳим ҳужжат орқали меҳнат жамоалари ўзларининг молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, қўшимча имтиёзларга ҳам йўл очиб қўйганликлари таҳсинга лойиқ. Масалан, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш, шунингдек, уй-жой қурилиши учун корхоналарда меҳнат қилаётган янги оилалардан 150 тасига 181 миллион сўмга яқин ссудалар берилди. Бугина эмас. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 966 нафар талаба учун корхоналар томонидан 352 миллион 402 минг сўм миқдоридаги контракт пуллари тўланди.

Жамоа шартномаси, бу, қолаверса, ижтимоий ҳимоянинг бирламчи шарти — иш ҳақининг ўз вақтида берилиши ва ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш тадбирларининг ўз вақтида бажарилиши таъминланиши ҳам демакдир. Буларсиз эса на маҳсулот сифати, на корхона даромади ва на умуммиллий тараққиёт ҳақида сўз юритиш мушкул.

***— Инсон ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди. Мамлакатимиз раҳбарига тегишли ушбу сўзлар, айтиш жоизки, касаба уюшмалари фаолиятининг мазмунини ўзида акс эттиради. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, меҳнаткашлар мурожаатлари билан ишлаш қай аҳволда?***

— Кенгаш иш юритувига жорий йилнинг шу пайтигача фуқаролардан 11 та, ташкилот касабақўм раисларидан 6 та, ташкилот маъмурияти ходимларидан 2 та ёзма мурожаат келиб тушди. Мурожаатлар белгиланган муддатларда ижобий ҳал қилинди ва айримларининг мазмунига қараб тушунтиришлар берилди.

Аслини олганда, ҳар қандай адолатсизлик замирида бир лаҳзалик лоқайдлик, беписандлик ва албатта, уқувсизлик ётади. Вақти-вақти билан у ёки бу масала юзасидан ўқув-семинарлар уюштирилаётгани бежиз эмас, албатта. Токи касаба уюшма етакчилари, мутахассислар такрор-такрор қайд этиладиган хато-камчиликлардан холи бўлсинлар, ҳеч ким адолатсизлик жабрини чекмасин, деймиз. Мана бир мисол: 2010 йил 28 апрелдаги ИИВ Стоматология поликлиникаси ходими А.Камолитдиновнинг аризасига мувофиқ, иш ҳужжатлари билан танишиб чиқилганда, ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинишида бир қатор камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланиб, иш берувчи номига тақдимнома киритилди. Натижада адолат қарор топиб, ходим ишга тикланди.

Шукр қиламанки, бундай мисолларни кўплаб келтириш имконияти менда йўқ. Бу тармоқда ҳар бир нарса, бир қарашда анчайин кичик туюлган жиҳатларга ҳам жиддий аҳамият бериш йўлга қўйилганлиги, масала жойида — юқори инстанцияларга қадар чувалашиб чиқмасдан туриб, ҳал қилиниши натижаси деб биламан.

Бирники мингга, мингники туманга, деган нақл бор халқимизда. Кичкина бир хато шунга ўхшаш яна кўплаб хатоларга йўл очиб бериши мумкинлигини, бир одамга нисбатан қилинган адолатсизлик яна бир қанча ходимларнинг ишдан совуши ва меҳнат унумдорлиги пасайиб кетишига сабаб бўлишини ҳеч қачон ёддан чиқармаслик лозим.

***— Ҳа, давр фаолиятимизга ўз тузатиш ва қўшимчаларини киритмоқда. Бугунги кунда касаба уюшмалари меҳнат аҳлини ҳимоя қилиш вазифасини ижтимоий шериклик механизмидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш имкониятига ҳам эга бўлди.***

— Бу бизни янада фаолроқ бўлишга, юзага келган ҳар қандай муаммога томонлар манфаатини тенг кўриб ёндашиш кўникмасини ҳосил қилиб ишлашга ўргатмоқда. Шу маънода, Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2011-2013 йилларга мўлжалланган Бош келишувнинг имзоланиши, унинг умуммиллий, тармоқ, ҳудудий ва маҳаллий даражада амал қила бошлаганлиги айни муддао бўлди. Таъбир жоиз бўлса, илгари у ёки бу идора эшигида соатлаб, кунлаб, ҳафталаб ва ҳатто ойлаб сарғайишлар барҳам топиб, ҳар қандай масалани тез ва сифатли ҳал қилиш имконияти юзага келди. Бу ҳам аслида истиқлол шарофатидан.

***— Дарвоқе, байрамлар ҳақида...***

— Байрамлар — йил тақвимида алоҳида ранг бериб қўйилган шунчаки бир сана эмас. Уларнинг замирида чуқур ижтимоий-иқтисодий ва албатта, чуқур фалсафий тушунчалар мужассам. Хоҳлаган санани олиб кўринг: хоҳ Ватан ҳимоячилари, хоҳ Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни бўлсин — улар ўзига хос мазмунга эга. Униси ҳам, буниси ҳам ўзимизники. Бирисида марду майдон ўғлонларимиз Ватан сарҳадларини қўриқлаб, тинч-осойишта ҳаётимизни муҳофаза қилаётганидан қувонсак, бирисида — фарзандларни комил инсонлар қилиб тарбиялабгина ўзимизга ҳайкал қўя олишимиз мумкинлигини англаб этамиз.

Шунинг учун касаба уюшмалари ҳар бир сана ва байрамга муҳим ижтимоий-сиёсий масала сифатида ёндашиб келади.

Мана, яқинда нишонлаганимиз Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси бирлашган касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда ички ишлар идораларининг хизмат вазифасини бажараётган вақтда ҳалок бўлган ходимларининг 50 нафар фарзандларига совғалар тақдим этиб, махсус автобусларда «Диснейленд» ва Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғларига саёҳат уюштирилди. Болаларнинг шоду хуррамлигини бир кўрсангиз эди!...

Бугун бутун фикру зикримиз Мустақиллик байрамимизни ҳар қачонгидан кўра кенг нишонлаш билан банд. Бизни дунё, дунёни биз таний бошлаганимизга йигирма йил тўляпти ахир!

Ҳа, биз оёққа туриб олдик. Ўйлайманки, бундан буён одимларимиз салмоғи ҳам шунга яраша бўлади ва бунда касаба уюшмалари намуна кўрсатиши даркор.

**Суҳбатдош:**
**Зайниддин РИХСИЕВ**

# СОҒЛОМЛАШТИРИШ





## Имтиёз

### барча ёшларга тегишли

Тошкент Давлат техника университети қошидаги санаторий-профилакторийга иш қизиган бир паллада кириб келдик. Ким дарахтларни суғораётир, яна кимдир эса стол тенниси бўйича малакасини оширмоқда. Барчанинг чеҳрасида табассум.

Бизни оромгоҳ раҳбари Азиза Шамсуддинова хушнуд қарши олди.

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг қарорига биноан Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги академик лицей ва коллежларнинг биринчи ҳамда иккинчи курс битирувчилари учун санаторий-профилакторийимиз қошида болалар ёзги соғломлаштириш ва меҳнат оромгоҳи ташкил этилганди, — деди у. — Бу қарорни пойтахт касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, таълим ва фан ходимлари тармоғи, шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бирлашган касаба уюшма ташкилотлари ҳам қўллаб-қувватлашди. Мана уч йилдирки, ушбу оромгоҳ фаолият кўрсатиб келаяпти. Ҳозирги 3-босқичда 55 нафар бола соғломлаштирилмоқда. Уларнинг аксарияти кам таъминланган оила фарзандларидир. Шу кунгача бу ерда 169 нафар фарзандларимиз дам олдирилди.

Биз оромгоҳда яратилган шароит билан танишдик. Кенг ва ёруғ ошхона. Ошпаз Шаҳло Раҳимованинг қўли қўлига тегмайди. У тайёрлаган таомларни болалар ҳузур қилиб тановул қилишяпти.

— Болалар кунига 5 маҳал овқатлантирилади. Уларнинг хоҳишларига қараб таом тайёрлаяпмиз, — дейди моҳир ошпаз.

Анастасия Болот ҳамда Ситора Қурбоновани кутубхонада учратдик.

— 2-юридик коллеж талабасиман, — дейди Ситора. — Мазмунли дам олиш вақтида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети лицейи ўқувчиси Анастасия билан танишиб, дўстлашдик. Вақтимиз янада чоғ ўтадиган бўлиб қолди.

Тарбиячилар Дилфуза Аъзамхўжаева, Дилдора Саъдиева ва Умид Аъзамовларни ўз ишининг устаси дея таърифлашди бизга. Дарҳақиқат, улар ўқувчилар билан ишлаш ҳадисини олишган.

Оромгоҳда спорт ишлари яхши йўлга қўйилган бўлиб, стол тенниси, футбол, волейбол, баскетбол бўйича муттасил биринчилик ўтказиб келиняпти. Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан «SOS болалар маҳаллалари» Ўзбекистон Миллий Ассоциацияси билан ҳамкорлик турли тадбирлар кўринишида барчага манзур бўлаётир.

Болаларда зерикиш учун вақт йўқ. Улар нафақат дам олиш, балки ҳудудни ободонлаштириш, дарахтлар ва бошқа экинларни парваришлашни ҳам ўрнига қўйишяпти.

Ҳомийлар барака топсин, болаларни ёлғиз қолдиришмаяпти. Масалан, республика «Меҳр-мурувват» фондининг Тошкент шаҳар филиали томонидан оромгоҳга миллион сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилди. Бирлашган касаба уюшма қўмитаси эса турли спорт жиҳозлари олиб берди. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши томонидан эса маданий-маиший тадбирларни ўтказиш учун 2 та DVD совға қилинди.

— Келгуси йили ҳам бу ерда дам олгим бор, — дейди Анастасия Болот. — Чунки бу ердаги шароит ва орттирган дўстларимни тез кунда соғиниб қолсам керак.

**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ishonch» мухбири.**
**Назира БОЙМУРОДОВА**
**олган суратлар**

## Ёз — 2011

***Марғилондаги 1-Меҳрибонлик уйининг 135 нафар тарбияланувчиси Қувасой шаҳрининг Лашкар қишлоғидаги хушманзара, мевали дарахтларга бурканган боғда жойлашган «Меҳнат ва роҳат» оромгоҳида мароқли ҳордиқ чиқаришмоқда.***

— Бу йилги мавсумга ҳар қачонгидан пухта тайёргарлик кўрдик. Болалар ётоқхоналари, ошхона ва ювиниш хоналари, маънавият ва маърифат хоналари шай ҳолатга келтирилди, — дейди оромгоҳ директори Камолиддин Ёқубов. — Бош ошпаз Ҳабибахон Исақова раҳбарлигида ошхонада 4 маҳал иссиқ овқат тайёрланяпти. Дам олувчи ўқувчилар дастурхонига оромгоҳ боғида пишиб етилган ёз мевалари — олма, ўрик, шафтоли, нок, узум кабилар ҳар куни тузаб қўйиляпти. Муроджон Мирзаев раҳбарлигидаги «Дилбандим» болалар ашула ва рақс дастаси дам олувчиларга ранг-баранг концерт дастурлари намойиш этишмоқда. Дам олувчилар Қувасой шаҳридаги «Кварц» ойна ишлаб чиқариш, чинни ишлаб чиқариш корхоналарида, муқаддас зиёратгоҳларда экскурсияда бўлди.

Оромгоҳда фаолият кўрсатаётган бичув-тикув, қўл меҳнати, дурадгорлик, компютер саводхонлиги каби 6 та тўгаракда ўқувчилар ҳунар эгаллашяпти.

* * *

***Болалик — беғубор фасл, унинг осмонлари кенг ва мусаффо. Бу осмонда фақат бахт, меҳр-оқибат қуёши нур сочади. Ана шу беғубор осмон остида улғаяётган бахтиёр фарзандларимиз истиқлолимизнинг 20 йиллиги арафасида ёзги таътилни мароқли ўтказишмоқда.***

Марғилон шаҳар халқ таълимига қарашли 23, 25, 32-мактабларда ташкил қилинган кундузги оромгоҳларда мавсум давомида биринчи навбатда 250 нафар халқ таълими ходимларининг фарзандлари соғломлаштирилди. Ушбу оромгоҳлар иккинчи мавсумда яна 250 нафар болани ўз бағрига олди.

Шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия томонидан «Ёз — 2011» комплекс чора-тадбирлари дастури ишлаб чиқилган бўлиб, болаларни соғломлаштириш учун ҳокимлик ва ҳомий ташкилотлардан 17500000 сўм маблағ ажратилди.

Бундан ташқари, шаҳар ташқарисидаги оромгоҳларда ҳозирга қадар 660 дан зиёд болалар дам олдирилди. Буларнинг 400 нафари 1-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, қолган 260 нафари шаҳардаги ташкилот ва муассасаларда ишлаётган ходимларнинг фарзандларидир.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

***Болаларнинг соғлиқларини мустаҳкамлаш ҳамда мазмунли дам олишларини таъминлашда улар ўртасида ўтказиладиган мусобақалар муҳим аҳамият касб этади.***

***Бўстонлиқ туманининг Хондайлиқ қишлоғида жойлашган «Зилола» болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳида давлат мустақиллигининг 20 йиллиги байрами муносабати билан уюштирилган оромгоҳлараро баҳсларда, шунингдек, яқин атрофда жойлашган «Алоқачи» ва «Нилуфар» оромгоҳларида ҳордиқ чиқараётган болалар мини футбол, волейбол, 30 метрга сузиш ҳамда стол тенниси бўйича беллашдилар.***



## Болажонлар баҳси

Спартакиаданинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, болалар спортига қаратилаётган юксак эътибор ўз самарасини бераётганини таъкидлашди; ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида спортнинг оммавийлигини ошириш мақсадида бажарилаётган ишлар ҳақида тўхталдилар.

— Бу каби спорт мусобақалари болаларнинг жипслашиши, интилиши ва ғалабага бўлган иштиёқларини янада кучайтиради, — дейди «Ўзкабел» ОАЖ қўшма корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Рустам Турсунов. — Бу тадбирлар биринчиси ҳам охиргиси ҳам эмас. Оромгоҳимизда ҳар босқичда дам олувчилар ўртасида шундай тадбирлар ўтказиш режаси ишлаб чиқилган ва бу ўз вақтида амалга ошириб келинмоқда. Бундан ташқари, ҳар хил тўгараклар ҳам болажонларнинг мароқли дам олишларига хизмат қилаётир.



— Сергели туманидаги 301-мактабнинг 9 синфида ўқийман, — дея ўзини таништиради стол тенниси мусобақаларида ғолибликка эришган Азиза Алимова. — Ёшлигимдан катта теннисга қизиқаман. Ҳозирда стол теннисида ўз омадимни синаб кўрдим. Ушбу мусобақага «Алоқачи» оромгоҳидан келдик. У ерда бизга яратилган шарт-шароитлардан хурсандман.

— 30 метргача бўлган масофага сузиш баҳсларида қатнашдим. «Зилола»га келганимизга ўн кунча бўлиб қолди, — дейди Лайло Жабборова. — Кўпдан бери сув спорти билан шуғулланаман. Ўзим Юнусобод туманидаги 51- мактабнинг 7- синфига ўтдим. «Талабалар шаҳарчаси»даги сув спорти саройига мунтазам қатнаб тураман.

— Ёшим 11 да. «Зилола»га келганимизга бир ҳафта бўлди, — дейди Улуғбек Собиров. — Пирамида, волейбол, баскетбол, футбол тўгараклари ёшлар ихтиёрида. Рус ва инглиз тилларини ўрганаяпмиз. Меҳнат тўгарагида ҳам устозларимиз турли нарсаларни ўргатишмоқда.

— Биз бугун «Нилуфар» болалар соғломлаштириш оромгоҳидан келдик, — дейди Миралишер Мираҳмедов. — Шундай бўлса-да, бу ердан кетгимиз келмаяпти. Футбол, стол тенниси, сузиш, югуриш жону дилимиз. Мана бугун футбол баҳсларида иштирок этдик. Лекин «Зилола» жамоасига имкониятни бой бердик. Чунки уларнинг ёши бизникидан каттароқ экан. Бу ерда дўстлар орттиришга ҳам улгурдик.

Шундай қилиб, болажонлар ўртасидаги спартакиада ғолиб ва совриндорлар номини аниқлаб берди. Унга кўра, сузиш бўйича ўғил болалар ўртасидаги беллашувларда Ҳусан Юсупхўжаев, Ҳасан Юсупхўжаев («Зилола») ва Санжар Султонов («Алоқачи») кучли учликни эгаллаган бўлса, қиз болалардан Алина Солиева, Настя Гаврилова ҳамда Катя Зелинская (учаласи ҳам «Алоқачи») ғолибликка эришди. Стол тенниси баҳслари ҳам кўтаринки кайфиятда кечди. Ўғил болалар ўртасида Игор Розумовский ҳамда Аҳрол Тангабоев («Зилола») Темур Ғофуров («Алоқачи»), қизлардан эса Лим Анна, Зарина Сулейманова («Зилола») Моҳинура Улжаева («Алоқачи»)лар тенгдошларидан кўра кучлироқ эканлигини намойиш этишди. Волейболда эса «Зилола», «Алоқачи» ва «Нилуфар» оромгоҳлари жамоалари кучли учликдан жой олишди. Футбол беллашувлари эса барча мусобақалардан қизиқарли тарзда ўтгани билан томошабинлар ёдида узоқ сақланадиган бўлди.

Якунда эса умумжамоа ҳисобида «Зилола», «Алоқачи» ва «Нилуфар» оромгоҳлари жамоалари кучли кетма-кетликни ташкил этди.

**Нарзулла МАХАМОВ,**
**«Ishonch» мухбири.**
**Ҳаким СОЛИҲОВ**
**олган суратлар**

## Юлдузлар табассуми



***«Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акционерлик жамияти тасарруфидаги «Сокол» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ёзги мавсумнинг биринчи навбатида 246 нафар ўғил-қиз, жумладан, қорақалпоғистонлик 50 нафар бола мароқли ҳордиқ чиқаришди.***

— Мен доимо самолёт ва ракеталарга қизиққанман. Бу ерда шундай макетларни ясашни ўргатувчи тўгарак борлигидан жуда қувондим. Қисқа муддат ичида бир қанча ракеталар макетини ясадим, — дейди Шерзод Қувватов.



— Ёшим 12 да, — завқланиб суҳбатга қўшилади Азнар Муллажанов. — Энди яхши биламанки, янги ўқув йилини кучга тўлган ҳолда бошлайман ва фақат аъло баҳоларга ўқишга ҳаракат қиламан.

Ушбу масканда болаларнинг дам олишини мазмунан бойитиш мақсадида кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Шундай тадбирлардан бири «Мустақиллик — менинг тақдиримда» мавзуидаги мушоира болалар қалбида унутилмас таассурот қолдиргани шубҳасиз. Унда болаларнинг севимли шоири Турсунбой Адашбоев ҳамда қорақалпоғистонлик Музаффар Аҳмедов иштирок этди. Дам олувчилар ҳам ўзлари ёзган ва ёд олган шеърларини айтиб, меҳмонларнинг олқишига сазовор бўлишди.

— Шеърият менда доимо қизиқиш ўйғотган, бадиий китобларни ўқиш жону-дилим, — дейди Кегайли туманилик Нуржамол Қушқарбоева. — Тошкентга биринчи бор келишим. Бу ер менга жуда ёқди. Яхши ҳордиқ чиқаришимиз учун барча имкониятларни яратиб берган ташкилотчилардан миннатдорман.

Бўстонлиқ туманининг тоғ ёнбағирларида жойлашган ушбу дам олиш масканидан пойтахтга қайтар эканмиз, оромгоҳ директори Тоҳир Рустамовнинг ушбу сўзлари ёдимизга тушди: «Келажак эгаларининг юзида доимо мана шундай табассум, қалбида ғурур бўлмоғи лозим!».

**Садоқат АСЛАНОВА.**
**Ҳаким СОЛИҲОВ**
**олган суратлар**

## Наманган томонларда

### «Оби ҳаёт»га йўл очилди

***Кейинги йилларда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чуст туманидаги Ариқбўйи маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи 130 хонадон аҳли ҳам энди бу неъматдан беминнат фойдаланишади.***

Ҳудуднинг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондиришда «Фарғона-Учкўприкгидрологияминерал» жамиятининг хизмати катта бўлди. Мансуржон Ғозиев раҳбарлигида мутахассислар иккита қудуқ ковлашиб, оби ҳаётга йўл очишди.

Эндиги қудуқни қўшни Қизилтош қишлоғида ковланиши режалаштирилмоқда.

### Ёшлар — ёшларга

***Шахсий бизнесини бошлаш тадоригида юрган тадбиркорга биринчи навбатда молиявий кўмак керак бўлади. Шундай ёшларга «Микрокредитбанк» шохобчалари орқали имтиёзли кредит ажратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

Жорий йилнинг ўтган даврида 63 нафар ёш тадбиркор 144,8 млн. сўм миқдорида маблағ олиб, муваффақиятли бизнесларини йўлга қўйишди. Энг муҳими, улар томонидан 90 та янги иш ўрни яратилиб, бу жойларга тенгдошларининг жалб этилганидир.

### Ишли бўлишмоқда

***Вилоятда йирик объектларни ишга тушириш, қайта қуриш ва кенгайтириш ҳисобига иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

Жорий йилнинг ўтган даврида режалаштирилган 1954 та ўрнига 2136 та янги иш ўрни яратилди. Хусусан, «Наманган тола текстил», «Наманган азиз нон», «Муборак пюре силк», «Косонсой шойи ипаги», «Наманган агроқурилишсервис», «Нафис чарм» каби корхоналар томонидан 30 нафардан 75 нафаргача бўлган юртдошларимиз муқим иш жойи билан таъминланди.

### Обод гўшаларда

***Истиқлолнинг йигирма йиллик тўйига тайёргарлик асносида юртимиз янада гўзаллашиб бормоқда. Вилоятнинг тоғларга туташган қадимий ва навқирон туманларидан бўлган Чустнинг бугунги ҳаёти фикримиз далилидир. Туман маркази бутунлай ўзгача қиёфа касб этгани ҳолда, қишлоқларда ҳам улкан бунёдкорлик тадбирлари амалга оширилмоқда.***

Юртбошимизнинг «Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида туманда 55 та намунавий турар-жой биноси қурилиши режалаштирилган.

Ҳозирда Қуйи Карнондаги қарийб 2 гектар майдонни эгаллаган 20 та замонавий уй юқори суръатларда қад ростлаётир. Бунёдкорлик ишларини Соатали Зияев раҳбарлигидаги «6-ХМКК» МЧЖ жамоаси амалга оширмоқда.

Шунингдек, бошқа қишлоқларда барпо этилаётган замонавий уй-жойлар қурилишига «Чустқурилишашё», «Крошкастройсервис», «Варзик калта чинор қурилишмонтаж», «Меҳр бунёдкор», «Амир Тоҳирий тезкор қурилиш» МЧЖ, «Мададкор» кичик корхонаси каби ташкилотлар фидойиларининг ҳиссаси қўшилмоқда.

### Билимда тенгсиз

***Бугун ёшларнинг ҳар томонлама мукаммал илм эгаллашлари учун барча шароит яратиб берилмоқда. Бундан илҳомланаётган ёш авлод ҳам муваффақиятлар оқимини тўхтатиб қўйишмаяпти. Учқўрғонлик Одина Саидаҳмедова ҳам кўпга ибрат бўларли амаллар бошини тутган.***

Одина ОЎЮларига қабул бошланмасдан туриб, талаба деган номга сазовор бўлди. Сабаби, жорий ўқув йили адоғидаги фанлар олимпиадасининг республика босқичида она тили ва адабиёт фани юзасидан ўтказилган синовларда унга тенг келадигани топилмади. Турли ҳудудлардан иштирок этган 42 нафар ўқувчидан салоҳиятининг ҳар томонлама устунлигини исботлаган Одина Ўзбекистон Миллий университетида ўқишни давом эттиришга аҳд қилган.

Айтиш мумкинки, мазкур муваффақият замирида НамДУ қошидаги 2-академик лицей ўқитувчиларининг ҳам фидокорона заҳматлари ётибди.

**Дилдора РАҲМОНОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

## Истиқлол шарофати

**Истиқлолимизнинг илк кунларидан шахсий томорқа хўжалигини ривожлантириш, ер участкаларидан оқилона фойдаланишга кенг имконият яратилди. Буни тўғри англаб етганлар томорқани кутбарака манбаига айлантиришмоқда.**

# Имконият ҳам ҳисоб-китобни яхши кўради

— Ҳукуматимиз томонидан оилаларга 10-16 сотихдан томорқа участкаси ажратиб берилди. Муҳими, деҳқончилик учун ўта қулай, унумдор, оқар сув билан таъминланган майдонлар эди, — дейди меҳнат фахрийси Ҳуббим Рўзиев. — Энди шу жараённи хориж билан таққосланг. Бир сотих ернинг нархи фалон пул. Бизда бепул, умрбод фойдаланадиган мулк сифатида хатланган. Бу имконият дунёнинг ҳеч қаерида йўқ. Шундай экан, давлатимиз ғамхўрлиги қадрига етишимиз, фаровонликка хизмат қилувчи томорқадан оқилона фойдаланишимиз керак.

Оқсоқол эътироф этганидек, кўплаб хонадонлар ер участкасидан катта даромадга эга бўлишаяпти. Хусусан, нарпайлик Боли Элмуродовлар оиласи томорқадан оқилона фойдаланганлиги боис рўзғори фаровон. 10 сотихлик томорқанинг 5 сотихида иссиқхона ташкил этилган. Йил давомида уч маротаба ҳосил олаяпти. Ҳар хил кўкат ва резаворлар 1,5-2 млн. сўмга, помидор ва булғор қалампири 1,2-1,5 млн. сўмгача пулланади. Кузги кўкатлар фойдаси эса 800 минг сўмдан ошади. Қарийб, беш миллион сўмлик даромад ҳар йили шу ердан келади.

Элмуродовлар фақат томорқага суяниб қолмаган. Ҳар бирининг касб-кори бор. Оиланинг 8 аъзоси бўш қолди, дегунча фойдали юмуш билан шуғулланади. Бундай имконият қишлоқда яшовчи ҳар бир кишида мавжуд. Аммо ҳаммаям Боли аканинг оила аъзоларидек бундан фойдалангани йўқ.

Самарқанд туманидаги «Паст оҳалик» маҳалласи аҳли ҳовли участкасидан фойдаланишнинг яна бир усулини қўллар экан. Ҳудуддаги 200 хонадон товуқ боқиш билан шуғулланишаркан. Арзон нархда харид қилинган бир ойлик жўжалар парваришдан сўнг 35 баробаргача даромад келтиради. Маҳалла аҳли парранда парваришини атроф-муҳит, одамларга зарар етказмайдиган ихчам саноат усулига айлантирган. 500 тадан 2-3 мингтагача товуқ боқаётганларга тасанно айтмай илож йўқ. 500 та товуқ, 2000 та жўжа парваришлаётган Зарина Ҳамроқулова ҳар куни 350-400 донагача тухум олишга эришаётган экан. Етти хазинанинг бири бўлмиш паррандачилик маҳалла аҳлига тўкин шароитга эга бўлиш имконини бераяпти. Ёҳуд Каттақўрғон шаҳридаги Умар Норов номли маҳаллада яшовчи 860 хонадоннинг ҳар бири хусусий тадбиркорлик билан шуғулланади.

— Ҳар йили томорқадан 2,5-3 млн. сўм фойда оламиз, — дейди Жомбой туман Қоракесак қишлоғида яшовчи Саидрасул Ҳотамов. — Уватларга ошқовоқ уруғи ташлаймиз. Биргина ўтган йили 300 донадан зиёд ошқовоқни бозорга чиқардик.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**



# Иш ўринлари кўпаяди

***Мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган алоҳида эътибор, уларга ишбилармонлик салоҳиятини намоён этиши учун яратилаётган кенг имкониятлар ўз самарасини бермоқда. Бухоро туманидаги Талалион қишлоғида патдўзлик ва зардўзлик йўналишида корхона ташкил этиб, ўттизга яқин кишини иш билан таъминлаган Сайёра Темирова ҳам ана шундай тадбиркорлардан бири.***

«Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси С. Темирова раҳбарлигидаги корхонада тайёрланаётган патдўзлик ва зардўзлик буюмлари ғоят харидоргир. Корхона маҳсулотларига буюртма тобора кўпайиб бораётгани эътиборга олиниб, бу ерда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва қишлоқ аёллари учун янги иш ўринлари ташкил этиш мўлжалланмоқда.

**Суратда: (чапдан) корхона раҳбари Сайёра Темирова ишчилари Ҳилола Содиқова, Сабоҳат Салимова ва Наргиза Идиева билан.**

**Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат**

## 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

### Элга хизмат — олий саодат

***Шерободлик шифокор Алишер Аҳмедов ташкилотчилиги билан ҳам эл назарига тушган. Ўтган йили қишлоқ врачлик пунктига раҳбар бўлганида муассаса таъмирига тадбиркорларни жалб қилди.***

Кундузги даволаниш хоналари шаҳардагидан қолишмайди. Иссиқ-совуқ сув муҳайё. Физиотерапия, жарроҳлик, эмлаш хоналарига эга ҚВП Бойбулоқ, Биботин, Чорвадор, Гиламбоп қишлоқлари аҳолисига хизмат кўрсатмоқда.

Ташаббускор А.Аҳмедов «Соғлиқни сақлаш аълочиси» нишонига сазовор бўлди. «Йилнинг энг яхши умумий амалиёт шифокори» номинацияси кўрик-танловининг республика босқичида иккинчи ўринни эгаллади. Ҳозир у туман тиббиёт бирлашмаси санитария бош шифокори муовини вазифасида ишламоқда.

**Турсун МАҲМАДАЛИЕВ**

### Чорвадорга мададкормиз

***Бирлашмамиз томонидан маҳаллаларда сифатли омухта ем ва дағал хашак сотадиган 25 та шохобча очилиб, 30 киши ишли бўлди. Ўтган йили шохобчаларимиз орқали шахсий ёрдамчи ва фермер хўжаликларига улгуржи ҳамда чакана нархларда 1 млрд. 142 млн. сўмлик витаминли ва хушхўр чорва озуқаси етказиб берилди.***

Илгари асосан кунжара, шелуха ва омухта емлар савдоси йўлга қўйилган бўлса, ҳозирда кон тузи, витаминлар, дағал хашаклар ҳам сотиляпти. Бирлашмамиз фаолиятини яхшилаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида тижорат банклари кредити ҳисобига 33 млн. сўмга битта «КИР-1.5» русумли ўт ўргич ва битта «Маркант-55» русумли сомон зичлагич техникаси харид қилиниб, умумий техникалар сони 7 тага етказилди. Улар ёрдамида ғалла майдонлари ва такрорий экинлар парваришланган далалардан жами 1100 тонна сомон, 1800 тонна дағал хашак жамғариб, шохобчалар ва умумий омборимиз ҳудудига жойлаштирилди.

Режаларимиз бисёр. Шахсий хонадон чорвадорларига қулайлик яратиш мақсадида «Мустақиллик» маҳалласи ҳудудида ветеринария дори-дармонлари сотиш дўкони ва сунъий қочириш пункти очиш юзасидан амалий ишларни бошладик.

**Аслиддин НИЗОМИДДИНОВ,**
**«Узун омухта ем»**
**бирлашмаси раиси**

### Дадил одим

***«Шўрчидонмаҳсулотлари» корхонаси қошида тўқсонинчи йиллар бошида «Бунёдкор» кичик корхонаси ташкил этилиб, унга Амир Қулмаматов масъул этиб тайинланди.***

***У «Шўрчидонмаҳсулотлари» корхонаси маблағига Россиядан терини қайта ишлаш жиҳозларини олиб келди. Маҳаллий ёшларга от, қорамол, қўй-эчки терисини ювиш, тозалаш, ошлаш, чарм тайёрлаш ва махсус дориворларни қўшиб ранглаш жараёнлари ўргатилди.***

Давлат мулкини хусусийлаштириш бошлангач, А.Қулмаматов кичик корхона эгаси сифатида ишни давом эттирди. Ўн тўрт йилки, «Темурмалик» хусусий корхонасида тери ҳамда жунлар қайта ишланиб, йилига 8-10 миллион сўмлик чарм маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Кичик ҳажмли чарм тасмалар 2000 йилдан буён республика пахта тозалаш саноати корхоналари, ун ва ёғ-мой ишлаб чиқариш комбинатларида кенг қўлланилаяпти. Шунингдек, буюртмага асосан чарм боғичлар, ҳарбий қисмлар учун планшетлар, бокс қўлқоплари, халта (мешок), груша, шингалка, макверина тайёрланмоқда. Охирги пайтда волейбол, футбол, гандбол тўплари тикиш ўзлаштирилди. Хуллас, корхона ўтган йили 30 турдаги 22 миллион сўмлик чарм маҳсулотлари тайёрлаб, буюртмачиларга етказиб берди.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ishonch» мухбири**

### Дўконлар кўпаймоқда

***Туман марказлари, аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда маъданли ўғитлар билан савдо қиладиган дўконлар сони тобора кўпаймоқда. Термиз туманлараро «Агрокимётаъминот база» корхонаси 2010 йилда туман ва қишлоқлардаги аҳолига томорқаси учун 403 тонна ёки 143,7 миллион сўмлик карбомид, аммофос, суперфос, нетрофос, сулфат аммоний сингари маъданли ўғитлар етказиб берди.***

Жорий йил Ангор, Шеробод, Жарқўрғон, Денов, Узун, Сариосиё, Термиз туманларида замонавий дўконлар ишга туширилди. Бунинг учун 375 миллион сўм маблағ сарфланди. Айни пайтда корхона тасарруфидаги ва корхона билан шартнома асосида ишлаётган хусусий дўконлар сони 148 тага етди. Кўчма дўкон орқали ҳам томорқадорларга зарур маъданли ўғитлар етказиб берилди. Корхона бош ҳисобчиси Қаҳрамон Мирзаевнинг маълумотларига кўра, жорий йилнинг ўтган вақти мобайнида дўконларда жами минг тоннадан зиёд ёки 445 миллион сўмлик карбомид, АФУ, нитрофос, суперфос, фосфор-мочевина сингари маъданли ўғитлар сотилган.

**Зарифа ҚУЛМУРОДОВА**

### Шоличилик истиқболи

***Музработ туманида шоли етиштириш ва уни кўпайтириш учун имконият катта. Жорий йилда 2 минг гектар майдонга энг юқори ҳосил берадиган шоли уруғлари экиб, парваришланаяпти.***

Туман «Шоли инвест» ташкилоти шоли етиштириш, ўриш-йиғиш билан чекланмай, шолини оқлаш, тозалаш, саралаш ва тайёр гуручни махсус халтачаларга жойлаштириб, савдога чиқариш билан шуғулланади. Бунинг учун чет элдан энг замонавий қайта ишлаш технологиялари харид қилинди. Абдуназар Абдукаримов бошлиқ қайта ишлаш цехида 12 нафар мутахассис меҳнат қилиб, кунига 50 тоннагача тайёр гуруч етказиб берилмоқда.

Шунингдек, корхона қошида бетон ғишт ва ҳар хил брусчаткалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Янги ишлаб чиқариш цехида бир сменада минг дона бетон ғишт ва 50 квадрат метрга етадиган чиройли ва бежирим брусчаткалар тайёрланаётир. Бу қурилиш материалларидан намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойлар қурилишида кенг кўламда фойдаланилмоқда.

**Ўз мухбиримиз**

## Ўзингга эҳтиёт бўл

***Бир кинофилмнинг бош қаҳрамони симёғочнинг узилиб кетган симини то электр усталари келиб кўрмаганча қўриқлаб ўтиради. Бу унинг кишилар ҳаётига ўзини нечоғлик жавобгар ҳисоблашини кўрсатади, аслида. Жавобгарлик ҳисси, бир сўз билан айтганда, дахлдорлик демакдир.***

# Олов дўстми ёки...

Афсуски, кўп ҳолларда бизга бир оз эътибор ва аҳамият етишмайди. Деярли ҳар куни ишлатадиганимиз гугурт нечоғлик қудратга эгалигини баъзан ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Шу маънода, олов ўз ўрнида қўлланса-гина дўст, деган хулоса тўғри эканлигига шубҳа қолмайди.

Уюлиб ётган чиқиндилардан қутилиш учун биргина гугурт чақиш кифоя. Аммо бу «орасталик» оқибатида келиб чиқадиган офатлар қанчадан-қанча инсонлар ҳаётига зомин бўлиши ҳам бор гап.

Ёнғинларга ўйинқароқ болаларнинг шўхликлари, назоратсизлиги ҳам сабаб бўлади, кўпинча. Қилган ишини ўзи ҳам тушунмай, йиғлаб турган болакайни тартибга чақириш, борингки, уришиш мумкиндир. Лекин талофат сабабчилари катталар бўлса-чи? Улар туфайли экологияга келтирилаётган зарарни моддий жарималар орқали ундириш мумкинми?

— Ишимизнинг асосий қисми профилактикага қаратилган, — дейди мавзу юзасидан суҳбатда Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари подполковник С.Мелибоев. — Хизматимиз юзасидан турли кишилар билан юзма-юз мулоқотлар ўтказиб, хонадонлар ва корхоналарни текширамиз, аниқланган камчиликларни бартараф этамиз. Ёнғин пайдо бўлиши оқибатида кўриладиган зарарнинг энг мудҳиши, бу инсон ҳаётига нуқта қўйилишидир. Айни пайтда пойтахтимизда 50 та мактаб ҳудудида стационар ва 2 та соғломлаштириш оромгоҳлари ташкил этилган бўлса, уларда хавфсизлик чоралари кўрилиб, болажонларга ўт билан ўйнашиш ёмон оқибатларга олиб келиши мутахассислар томонидан тушунтирилмоқда.

«Тозалаш-антитеррор» тадбири бошидан буён 9244 та бинолар текширилиб, фуқаролар билан 1983 та учрашувлар ўтказилди.

Сўз сўнггида юқоридаги кинофилмга келсак. Ўз уйи, ишхонасидан анча олисда узилган электр сими учун кишилар ғамини еб кунини кеч қилган қаҳрамон чин маънода қаҳрамондир. Зеро, ер юзининг айрим жойларида рўй бераётган табиий ёнғинлар оқибатида азият чекаётганлардан фарқли ўлароқ, юртимизнинг осойишталигини асрашга ҳисса қўшиш биздан мудом сергаклик ва эътибор талаб этади.

**Ҳилола КАРИМОВА**

Омон бўлинг,
МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2011-yil 19-iyul № 87 (2968)

# Яхши ният билан яшаш бахти




*(Боши 1-бетда)*

**ҚУШ УЯСИДА КЎРГАНИНИ ҚИЛАДИ**

Отам Убайдулла Мелиев ҳамда онам Пўлатой Мелиева инсонпарвар одамлар эди. Дадам охирги пулини ҳам муҳтожларга берарди. Онам эса ҳамиша қўшнилардан хабар олиб турар, бирортаси касал бўлиб қолса, тузалиб кетмагунича ҳаловат топмасди. У пайтлар болалик қилиб кўп нарсани тушунмас эканмиз.

Яхши эслайман. Кўчамизнинг бошида кекса бир аёл қишин-ёзин писта ва шунга ўхшаш майда-чуйда сотиб ўтирар, онам бўлса қиш кунлари идишга солинган иссиққина овқатни қўлимизга тутқазиб, унга олиб боришни тайинларди. Онам дунёдан ўтиб кетди. Ҳар сафар шу аёлга кўзим тушса, онамни кўргандек бўламан.

Бу хислат ота-онамдан ўтганми, кимгадир нафим тегса, дейман. Ҳеч қачон фойда ортидан қувмадим. Шу сабаб худо менга барака ато этди. Зеро, умр бизга ҳаётни яхшилашга ҳисса қўшиш учун берилган.

**ЯХШИЛИК ЕРДА ҚОЛМАЙДИ**

Баъзан меҳмон кутиб чарчаган ёки режадаги ишларимга улгурмаган пайтларим бўлади. Шунда Дурдона қизим: «яхши бўлиш ҳам қийин экан-да», дейди. Унга жавобан, йўқ, ҳамма қувонч ва барака бор жойга ошиқади. Бундан кўнгил ҳузур топади. Чарчоқларинг унутилади деяман.

Оилада олти фарзандмиз. Ота-онамнинг тарбияси туфайли ўртамизда аҳиллик кучли. Энди яхши англаб етаяпман. Энг улуғ бахт инсонларга ёрдам беришда экан.

Турмуш ўртоғим Баҳром Ҳамдамов билан бир-биримизни тушунамиз. Қайнотам Пўлат Ҳамдамов: «Қизим, қаерга борсам, сиз ҳақингиздаги яхши гапларни эшитиб қувонаман», дейди.

Ҳашамни ёқтирмайман. Шу сабаб офисимизнинг кичкинагина бўлишини истагандим. Ўғлимнинг: «Онажон, бу ерга бутун дунёдан меҳмонлар келишади. Улар ўзбек аёлларининг қандай натижаларга эришаётганлигини кўришсин», деганда ҳайрон қолдим. Ниятга яраша бўларкан. Яқинда Осиё Тараққиёт Банкининг Бош офисидан меҳмонлар келиб, амалга оширилаётган ишларни кўриб ҳайратга тушишди.

Грециялик 60 ёшдан ошган Лора Арселас деган дугонам: «Қандай бахтли аёлсан. 4 нафар фарзандинг бор. Карьера учун халақит беради, деб фарзанд ҳам қилмабман. Қандай бахтсизман-а. Аслида, бу ерга сенга ёрдам беришга келувдим. Сендан кўп нарсани ўрганишим керак экан», деганида унга оиланинг қандай куч эканлигини тушунтирдим.

Фарзандларим Дурдона, Ойбек, Ҳасан ва Зуҳра — ишонган тоғларим. Уларни тарбиялаш, вояга етказиш бир томондан машаққат бўлса, бошқа жиҳатдан мадад экан. Сафарга чиқсам, уларни ҳам олиб кетардим. Вақт топдим, дегунча болаларим билан дўстона суҳбатлашардим, сирлашардим. Қизим Зуҳранинг дугоналари: «Эртак айтма, онанг сен билан сирлашадими?» дея ишонишмасмиш. Афсуски, кўпчилик оналар ва фарзандлар ўртасида жарлик бор.

**ИШОНЧ — ЁРҚИН МАЁҚ**

Бир кун бошқа идорадан ишга келган Пўлатжон исмли йигит: «Опа, бу ерда нимадир ҳаётий эмас» деб қолди. Нега бундай деяпсиз, десам, «ҳеч кимни уришмасанг, бақир-чақир қилмасанг, қандай иш бўлади» деди. Ҳозир айтсам, кулади. Ҳамманинг бир-бирига бўлган ишончи муҳим. Ходимларимга ишонаман. Уларнинг юрагига масъулият туйғусини сингдиришга ҳаракат қиламан.

**МУСОФИР БЎЛМАГУНЧА МУСУЛМОН БЎЛМАС**

Ватан қадрини четга чиққанда кўпроқ ҳис қилар эккансан. Англия, Америка, Германия, Бельгия, Франция, Испания, Греция, Чехия, Япония ва Филиппин давлатларида бўлиб, хориждаги ҳаёт билан танишиб келдим. Улар қанча ривожланган, бой-бадавлат бўлмасин, барибир Ўзбекистонга, Жиззахимга тенг келмаслигини англаб етдим.

Америкага борганимда бир ўзбек ватандошимизни кўрдим. Ҳикмат ака исмли бу кишига отаси: «Ўзбекистонга бориб кўчаларини супуриб бўлса-да, хизмат қилиб кел», деб васият қилиб кетган экан. Юртимиз мустақилликка эришганида улар Америка кўчаларида байроғимизни ўпиб йиғлашган экан. Мустақиллик — улуғ бахт, аслида.

**НИЯТИНГ — ЙЎЛДОШИНГ**

Бошда кўпчилик «Банкка ҳеч ким пул қўймайди; қийналасан» дейишганди. Аммо менда заррача қўрқув йўқ эди. Ўйлаганимдан ҳам Худо ортиғи билан берди. Одамлар кредит орқали тўйлар қилиб, раҳматлар айтишди.

Мавжуда деган дугонам: «Кичкиналигингда ҳам ҳаммага ёрдам берардинг. Катта бўлсам, зўр ишлар қиламан, дердинг. Журналист бўлиб ўз-ўзингга интервью берардинг», деб болалигимни ёдга солиб туради. Аммо ҳеч бир ишни ўзимни кўз-кўз қилиш ёки манфаат кўриш учун қилмадим. Уларни фақат яхшиликка бағишлаш керак, деб ўйлайман.

Дунёнинг барча давлатига бораман, деб ният қилардим. Сочида «Дўстлик дарахти»ни кўрдим. Зорен деган олимнинг меҳнати билан битта дарахтда 45 хил цитрус мева ўсаркан. 167 мамлакатдан келиб пайванд қилишибди. Битта дарахтга 14 та суянчиқ қўйилган.

Хотин-қизлар конгрессида қатнашиш учун Японияга борганимда уларнинг маданиятига қойил қолдим. Метрога тушсангиз, ҳамманинг қўлида китоб кўрасиз.

*Суҳбатимиз сўнгида кўнглимдан шундай ўй кечди: Юртимизда аёлларимизнинг қадрини тоғ билиб, ҳурмат ва эътибор кўрсатилаяпти. Аёлларимиз ҳам ана шу ишонч ва эътиборга муносиб бўлиб яшашаяпти. Худога шукр!*

**Назира БОЙМУРОДОВА.**
**Муаллиф олган суратлар**

*Бор бўл, оқибат!*

# АЁЛ МЕҲРИ

Қизларбиби онаси ҳаётдан кўз юмганда ўн бир ойлик гўдак эди. Орадан маълум фурсат ўтиб, ота рўзғорим бут бўлсин, деган ният билан уйланди. Қизчани эса аммаси уйига олиб кетди.

Она дийдорига тўймаган қиз секин-аста вояга етиб мактабга борди, еттинчи синфдан эса тенгдошлари билан далага чиқиб меҳнат қилди. Шу орада акаси Абдужаббор олийгоҳни тугатиб мактабга ишга кирди, уйланди, аммаси ва синглисини ёнига кўчириб келди. Тенги чиққач опаси Сулувойни турмушга узатишди.

Қизларбиби мактабда аъло баҳоларга ўқир, келгусида шифокор бўлишни пинҳона орзу қиларди. Аммо орзулар саробга айланди. Совчилар дарвоза қоқишаётганди. Айниқса, Элмурод деган тракторчи йигитдан келгани устамон экан. Акаси ва янгасининг кўнглини топди. Янга қиз кўнглига қўл солди, қиз уялиб сукут сақлади. Қизнинг севги, муҳаббат ҳақидаги тасаввурлари китоб ва кинолардан нарига ўтмаганди.

Кўп ўтмай тўй бўлди. Эндигина ўн еттига кирган қиз катта хонадонга келин бўлиб тушди. Бор меҳрини шу оилага берди. Бахтига куёв бўлмиш Элмурод меҳнатсевар ва содда йигит бўлгани боис ёшлар ширингина турмуш кечиришарди. Аммо, улар олдинда оғир синовлар турганини хаёлларига ҳам келтиришмасди.

Тўқсонинчи йиллар... Барвақт ишдан қайтган Элмурод уйда ун тугаганини билиб, қўшни қишлоққа йўл олди ва кутилмаганда мотоцикл билан баҳайбат КАМАЗга урилди.

Қизларбиби етиб борганида Элмурод шифохонада ҳушсиз ётар, қўл-оёғи ва гавдасига шикаст етмаган, аммо боши қаттиқ лат еган эди. Дўхтирлар қўлларидан келган муолажани қилишди, ҳатто пойтахтдан етук жарроҳни ҳам чақиришди. Сочларига оқ оралаган дўхтир операция хонасидан чиқиб, ер билан битта бўлиб ўтирган аёлга деди:

— Эрингизнинг мияси қаттиқ шикастланган, бундай жароҳат билан тирик қолишнинг ўзи бир мўъжиза, уч кун ўтгач, барчаси аниқ бўлади, аммо юраги бақувват экан, бўлмаса...

Қизларбиби учун уч куннинг ўтиши уч юз кундек чўзилиб кетди, ниҳоят тўртинчи кун тонгда бемор кўзини очди.

Элмурод тепасида турганларга ажабсиниб қаради. У бошидан қандай фалокат ўтганини билмас, фақат онасидан велосипеддан йиқилдим, ўйинчоқларим қани, деб сўради ва яна уйқуга кетди. Шифокорлар бу ҳолатни хотирасини йўқотиш ёки болаликка қайтиш деб тушунтиришди. Эртасига Элмурод яна кўзини очди ва онасидан ёнида турган аёлнинг кимлигини, нега йиғлаётганини сўради ва айтинг, кетсин, деб тайинлади. Қизларбиби эрининг танимаганидан хафа бўлмади, чунки танимаса ҳам, ишқилиб ишонган тоғи соғ-омон бўлса, шунинг ўзи катта бахт эди унинг учун.

Орадан ойлар ўтди ва бемор оёққа туриб, уйига қайтди. Аммо у энди аввалги Элмуродга ўхшамас, ўзини бегонадек тутар, гулдек болалари, жафокаш умр йўлдоши, рўзғор ташвишлари қизиқтирмас, бефарқ ва инжиқ одамга айланганди.

У кун бўйи ҳовлида айланиб юрар, тайинли бирор иш бажармасди. Тақдирнинг бундай синови аввалига Қизларбибини довдиратиб қўйди. Лекин чуқурроқ ўйласа, умр йўлдошининг ўлим чангалидан омон қайтишининг ўзи яратганнинг инояти эди. У ёстиқдошига бор меҳрини берди. Худди ёш боладек авайлаб парвариш қилди. Аёл меҳрининг қудрати олдида хасталик ҳам ожиз экан. Йиллар ўтиб, Элмурод ўзига қайта бошлади. Аммо бу осонлик билан қўлга киритилмади. Ўтган йиллар давомида катта оиланинг оғир юки муштипар аёлнинг елкасига тушди. У бундан оғринмади, эри ва фарзандларини деб далада ишлади, мол боқди, томорқасини гуллатиб қўйди. Ҳеч кимга тақдиридан нолиб сўзламади, зорланмади.

Чарчаган, қийналган дамларида ўз-ўзига далда берди. Бахтига ўғил-қизлари оқибатли чиқишди, онасининг не мақсадда ўзини ўтга, сувга ураётганини англашди, қўлларидан келганча кўмак беришди.

Ўтган йиллар ичида Қизларбиби қизларини узатди, ўғилларини уйли-жойли қилди. Набиралар кўрди. Бугун Элмурод ҳам соғлигини тиклаб олган, ишлаб чарчамайди. Бўш пайтларида мутолаа қилишни, телевизор кўришни ёқтиради.

Шу тобда бир мулоҳаза қилсак. Арзимас баҳона билан гулдек фарзандларини зор йиғлатиб ажрашиб кетаётганлар йўқ эмас. Шуларни ўйлаб оддий қишлоқ аёли бўлган Қизларбибининг иродаси ва эътиқодига тасанно айтгингиз, шундай оқила аёллар боис ҳаёт давом этаётганига ишонгингиз келади...

**Ўролбой ҚОБИЛ**

*Оммавийлик*



***Яқинда соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши Ўзбекистон Республикаси Врачлар Ассоциациясининг Тошкент вилояти бўлими билан ҳамкорликда Сирғали тумани молия ва иқтисодиёт коллежида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили ҳамда мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган тиббиёт ходимлари ўртасидаги биринчи вилоят мини футбол мусобақасини ташкил этди.***

## Вилоят кенгаши ташаббуси билан

Унда вилоятдаги шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари ҳамда вилоят миқёсидаги тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган шифокорлар иштирок этишди.

Кескин ва муросасиз баҳсларга бой бўлган беллашувларда биринчи ўрин Паркент туман тиббиёт бирлашмаси, иккинчи ўрин Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази, учинчи ўрин эса Тошкент вилояти шошилинч тиббий ёрдам маркази жамоаларига насиб этди.

Бундан ташқари, иштирокчилар номинациялар бўйича ҳам тақдирландилар.

**Моҳларойим ЙЎЛДОШЕВА**

***

## Соғлом она — соғлом авлод

***Давлатимиз томонидан аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган ишлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда.***



Сирғали туман ҳокимлиги ташаббуси билан давлатимиз Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб, хотин-қизлар ўртасида «Спорт — саломатлик ва гўзаллик рамзи» номи остида эркин сузиш бўйича ўтказилган мусобақа фикримизни тасдиқлайди.

Беллашувда 50 дан ортиқ корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган хотин-қизлар иштирок этишди. Шунингдек, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Анвар Мурсақулов, «Соғлом авлод учун» жамғармаси туман кенгаши раиси Нуринисо Камолова, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими раҳбари Шукур Бурхонов, 17-БЎСМ директори Хайрулла Ёқубов ушбу мусобақага фаол шафелик қилдилар.

Қизғин кечган мусобақа ғолибларини аниқлаш осон бўлмади. Беллашув якунида иштирокчи ва ғолибларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

**Шоира ШАМСИЕВА,**
**Сирғали туман Савдо ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси раиси**

**Истиқлол ғунчалари**



Назира БОЙМУРОДОВА олган сурат

# Йўлларимиздаги ўйлар

***Ҳайдовчилик гувоҳномасини олганимга қарийб чорак аср бўлибди. Охирги йилларда фақат ўзимизда чиқаётган автомашиналарни минаман. Кўркам, тежамкор ва чидамли... Аммо, автомашиналарнинг кўпайиши билан бирга йўл-транспорт ҳалокатлари сони ҳам сезиларли даражада ўсиши кузатилмоқда. Касбим врач бўлганлиги учун ҳам бундай ҳодисалар юрагимга кўп оғриқ беради.***

*Газетхон муаммо кўтаради*

Албатта, йўлларимизда тартиб-интизомни кучайтириш борасида давлатимизда катта ишлар амалга оширилмоқда. Қоидани бузган ҳайдовчиларга нисбатан жарима ва жазо кучайтирилди, йўллар босқичма-босқич таъмирланиб, замон талабларига мослаштириляпти.

Бироқ шаҳримиз кўчаларида ҳамон ноўрин ўрнатилган йўл белгилари, светафорларга дуч келиш мумкин. Бундай белгилар ҳайдовчиларнинг асабийлашиши, туриб қолган машиналардан чиқаётган зарарли газлар экологияни ифлосланишига сабаб бўлади. Мисол учун, биргина Фаробий кўчасининг ТошМИ клиникаси олдидаги бир чақирим ҳам келмайдиган йўлда 4 та светофор ўрнатилган. Бу ҳар 200 м.да битта светофор бор дегани. Фикримча, светофорларнинг ҳаддан ташқари кўплиги автоҳалокатлар сонининг камайишига эмас, балки ошишига ҳамда экологик муаммолар чуқурлашишига олиб келади.

Аксарият йўл-транспорт ҳодисалари йўлларимизнинг норасоликларидан келиб чиқишини кўпчилик билади. Бир неча марта йўлдаги ўйдим-чуқурларни таъмирлаётган ходимларни четдан кузатишимга тўғри келган. Баъзан бу чуқурчалар лой-тупроқдан тозаланмасдан шағал ташланиб, устидан озроқ асфалт тўшалади, холос. Бундай таъмирнинг умри қисқалиги ҳаммага аён. Ҳайдовчи йўлдаги чуқурчага тушишдан қочиб, автоуловни ён томонга беихтиёр кескин буришга мажбур. Шунингдек, ёзда йўлларимизнинг аксарияти асфалт эриганлиги боис тўлқинсимон (гармошка) шаклга киради. Бу бечора уловнинг муддатидан аввал «кексайиш»ига ва табиийки, авариялар юз беришига шароит туғдиради. Йўлларда очиқ қолдирилган канализация қопқоқларини айтмайсизми? Билмадим, кимларнинг айби билан К.Зарипов кўчаси Бухорий масжиди рўпарасидаги катта йўлда бир қудуқ қарийб бир йилча очиқ ётди...

ЙПХ зобитларининг адолатли, муомала маданияти юксаклигига кўп бор гувоҳ бўлганман. Бироқ, баъзи ходимларнинг билимсизлиги ҳам бор гап. Бир инспектор протокол тўлдирганлигини кўриб, очиғи ёқа ушладим. Боя қиш 20 га яқин грамматик ва орфографик хатоларга йўл қўйди.

Баъзи йўл-транспорт ҳодисалари пиёданинг айби билан содир бўлиши ҳам маълум. Яқинда елкасига мактаб папкасини илиб олган бир болакай пиёда ўтиши лозим бўлмаган жойдан ўқдай отилиб катта кўчага чиқди. «Epica» русумли автоулов уни уриб кетмаслик учун кескин четга бурилиб, симёғочга ёпишиб қолди. Айбдор эса уйлар орасига кириб кўздан йўқолди. Ахир ота-онаси, ўқитувчилари болага йўл қоидаларини ўргатишмаганми? Майли, бу машина экан, болакайнинг ўзи шикастланганда нима бўларди?

Ҳайдовчини интизом бузишга мажбурлаш жуда ҳам осон, ваҳоланки, масала ечими унга шароит туғдириб беришдан бошланади.

**Алижон ЗОҲИДИЙ,**
**тиббиёт фанлари номзоди, доцент. Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

Insonga naf keltirish – oliy baxt

**Muassis:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

**Bosh muharrir:**
Abduxoliq Abdurazzoqov

**Tahrir hay'ati:**
Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To'lqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib), Anvar YUNUSOV

**Bo'limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

**Viloyatdagi muxbirlar:**
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99897 491 79 27;
Samarqand + 99866 708 70 12;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99890 232 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2011@gmail.com

**Nashr ko'rsatkichi:**
133

Navbatchi muharrir: A. Abdullayev
Navbatchi: S. Abdurahmonov
Musahhih: S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H. Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 23.00

Буюртма Г — 711

13652 nusxada bosildi

1 2 3 5